Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 271 (5862).
25 НОЯБРЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР ЯКУН!

• Пойтахт қурилишларида

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

Тошкент мотор заводи қурилишида меҳнат қилаётган «Главсредазирсовхозстрой», «Минмонтажспецстрой», «Главташкентстрой» коллективлари ғайрат-шижоат билан ишлашиб, халқ хўжалиги учун муҳим бўлган объектнинг барча корпусларини ўз муддатида фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар. КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада «Главташкентстрой»нинг 3-трестига қарашли 16-қурилиш бошқармасининг Ю. Ҳакимов бошлиқ комплексдашган бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Бу коллектив ўн ойлик топшириқни муваффақиятли адо этиб, мотор заводининг 12 қаватли инженерлик-лаборатория корпусида умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказди.

Бригаданинг М. Бурцев, А. Машанло каби қурувчилари вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Умуман бригада ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қиляпти. Партия қарорларидан илҳомланган коллектив КПСС XXVII съезди шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият олди. Улар мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжуманн очилишига қадар 1986 йилнинг биринчи кварталн планига қўшимча яна 5 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ўзлаштиришга бел боғлашди.



ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ РАЙОНЛАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН

Ноябрда Киров, Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районларида ҳисобот-сайлов партия конференциялари бўлиб ўтди. Уларда партия комитетларининг ва ревизия комиссияларининг ҳисобот докладлари, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ва таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан партия Устави лойиҳалари муҳокама этилди.

Конференцияларнинг делегатлари Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми позициясидан туриб, фақат ҳисобот даврида — кейинги беш йил ичидагина эмас, балки умуман беш йилликда қилинган ишларга принципиал баҳо бердилар. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари қандай бажарилгани, қандай хато ва нуқсонларга йўл қўйилгани таҳлил этилди, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, моддий, энергетика ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш йўллари белгилаб олинди.

Конференцияларда район партия комитетларининг, район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг янги составлари, шунингдек XXV Тошкент шаҳар ва XXII Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Район партия комитетларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Ш. Н. Маҳмудова Киров район партия комитетининг биринчи секретари, В. Д. Ардатов Ленин район партия комитетининг биринчи секретари, Н. И. Емельянов Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари, Ф. Н. Нажмитдинов Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайландилар.

Конференциялар ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Конференциялар ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари К. П. Дудин ва Х. Х. Тошхўжаев, Тошкент область партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири А. И. Севастьянов ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбекистон пойтахти районлари ҳисобот-сайлов партия конференциялари иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида ёритилади.





● СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон пойтахтининг Киров, Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районлари ҳисобот-сайлов партия конференцияларида. Т. Каримов, М. Нуриддинов ва Е. Ботиров фотолари.









ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ КЎЗЛАБ

Тошкентдаги техника уйида бўлиб ўтган республика конференцияси порошокли металлургияни ривожлантириш, машиналарнинг деталларини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун илғор технология ва ускуналарни тадбиқ этиш масалаларига бағишланди. Бу конференцияни Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, машинасозлик саноати илмий-техника жамиятларининг республика правлениеси ҳамда илмий-техника ахбороти илмий-тадқиқот институти ташкил этдилар.

Конференция қатнашчилари — Тошкентнинг бир қатор саноат корхоналари ва олий ўқув юртлари мутахассислари ва олимлари машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида янги методни қўллаш имкониятларини кўриб чиқдилар.

Тошкентдаги темир йўл транспорти инженерлари институтининг «Металлар технологияси» кафедрасида бундан ўттиз йил муқаддам мамлакатимизда биринчи бўлиб бу борада тадқиқот ишлари бошланган эди. Ҳозирда эса Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг корхоналарида кенг қўлланилаётган кўп электродли қуйиш ускуналарини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича бой тажриба орттирилди. Институт олимларининг тавсиясига кўра Ангрен кўмир конида, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводида ва қатор автомобиль корхоналарида бу янгича қуйиш методи тадбиқ этилмоқда. 14-рельс пайвандлаш поезди темир йўл изларининг деталларини бевосита йўлнинг ўзида автоматик тарзда ҳаётга қайтармоқда. Натижада крестовиналарнинг чидамлилиги, бардошлиги анча ошди.

Конференцияда Тошкентдаги автомобиль, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари, «Технолог» бирлашмаси, шунингдек Москва, Киев, Куйбишев шаҳарларидан келган мутахассислар бу илғор технологиянинг аҳамиятига катта баҳо бердилар.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Чилонзор район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўрилди. Пленум пенсияга кетганлиги муносабати билан Н. В. Базилевскаяни Чилонзор район партия комитетининг секретари вазифасидан озод этди.

Бундан аввал Куйбишев район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири бўлиб ишлаб келган Т. А. Искандарова Чилонзор район партия комитетининг секретари этиб сайланди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашда ёш олимлар ва мутахассисларнинг ролини ошириш бўйича Куйбишев район комсомол ташкилотининг иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Мўминов док. лад қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Партия ишига ўтганлиги муносабати билан В. Мишин Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Бундан аввал Чилонзор район комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган А. Ивашкин шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан У. Мақсумова шаҳар комсомол комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Бундан аввал республика пионер ташкилоти совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Ф. Латипова шаҳар комсомол комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов сўзга чиқди. Пленум ишида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ҳ. Ҳ. Ҳамидов, Тошкент область комсомол комитетининг секретари Б. Ш. Ғойипов қатнашдилар.

ҮН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 28-БОЛЬШЕВИК САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига 28-Большевик сайлов округи бўйича 1985 йил 17 ноябрда бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида участка сайлов комиссияларидан олинган маълумотлар округ сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилди.

Комиссия аниқладики, сайлов Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилди.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларн тақдим этган протоколлар асосида 28-Большевик сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтказилган сайловнинг узил-кесил якунларини аниқлади.

Сайловчилар рўйхатига 17773 киши киритилган эди. Овоз беришда ҳамма сайловчилар қатнашди, қаршилар йўқ. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 51-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари йўқ.

Ушбу сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати этиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири —Пўлат Мажидович Абдураҳмонов якдиллик билан сайланди.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети 28-Большевик сайлов округи бўйича сайлов ўтказган округ сайлов комиссияси.

ДУНЁ ХАВФСИЗРОҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Иккала томоннинг куч-ғайратлари туфайли эришилган якун-ндрок ғалабаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейган ўртасидаги учрашувнинг натижаси бўлди. Эндиликда ана шу учрашув туфайли очилган имкониятларни ҳар иккала томон амалий ишларга татбиқ этишлари муҳимдир. Олий даражадаги Совет—Америка мулоқотининг якунлари, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар олий раҳбарларининг Прагадаги учрашуви тўғрисида чет мамлакатларнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари билдираётган кўпдан кўп фикр-мулоҳазаларнинг асосий мазмуни ана шундай.

Олий даражадаги Совет—Америка мулоқоти бошланишидан анча аввал Совет раҳбари Женевада ҳамжиҳатлик учун, бутун дунёда тинчлик ва халқлар ўртасидаги муҳитни соғломлаштириш учун асослар яратиб қўйган эди, деб эслатиб ўтади Чехословакиянинг **«Руде Право»** газетаси. СССР барча ядро портлатишларини ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйди, ядро синовларини батамом тўхтатиш тўғрисида музокараларни дарҳол яна бошлашга тайёр эканлигини билдирди. Москва йўлдошга қарши қурол синовларини ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйганлигини ҳам тасдиқлади, ядро аслаҳахоналарини камайтириш тўғрисида гоят муҳим таклифлар киритди.

БМТ Бош секретари **Х. Перес де Куэльяр** мен Совет—Америка қўшма Баёнотининг руҳини, айниқса мавжуд проблемаларни ҳал этиш учун умумий замин излашга тайёрлигини табриклайман, деди.

Женева учрашувининг якунлари Америка конгрессида кенг шарҳланмоқда. Вакиллар палатасининг спикери **Т. О'Нил** АҚШ билан СССР раҳбарлари яна учрашувлар ўтказиш тўғрисида аҳдлашиб олганликларидан «гоятда мамнунман» деди. «Биз музокаралар олиб борар эканмиз, битим тузишимиз учун имконият мавжуд бўлади, — деди у. — Р. Рейган билан М. Горбачев мулоқот олиб борганликлари фактининг ўзиёқ уруш бўлмаслиги хусусида ҳамжиҳатликдан далолат беради».

Сенатор **Э. Кеннеди** Женева учрашуви «ниҳоят, икки буюк давлат ўртасидаги муносабатларда музни парчалаб юборди», деб ҳисоблайди.

Сенатдаги республикачи кўпчиликнинг бошлиғи **Р. Доул** олий даражадаги учрашув мулоқот ва музокаралар жараёнининг умид бағишловчи дебочаси бўлди, деб таъкидлади. «Мулоқот ва музокаралар кенг қамровли бўлиб, келгусида конкретроқ силжишга эришиш имконини беради, деб кутмоқдамиз».

Вакиллар палатасидаги демократик кўпчиликнинг раҳбарлари қўшма Баёнотда биз «қурол-яроғлар устидан контролликка тааллуқли масалаларда ва бошқа проблемаларда яна ҳам каттароқ силжишга эришилажагига умид қилган эдик», деб уқтирдилар.

Қурол-яроғлар устидан контроллик тарафдорлари уюшмасининг президенти **С. Кини** бундай деди: «Рейган «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ)нинг қатъий тарафдори эканлиги сабабли Женевада мана шу энг асосий проблемада силжишга эришишга муваффақ бўлинмади. СМТ стратегик қуролларни кўплаб қисқартиришга эришиш йўлидаги энг катта тўсиқдир».

(ТАСС).

• СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ •

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

КПССНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН УЗГАРТИШЛАР БИЛАН ПАРТИЯ УСТАВИ, СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ВА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

«БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕТОДЛАРИ РОЛИ, БИРЛАШМА ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛСИН».

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидан).

• Автотранспорт тўла қувват

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ

Ҳар кунн юзлаб автомобиллар республика пойтахтидаги янги қурилишлар учун турли хил материаллар етказиб беради. Автотранспортнинг узлуксиз, бир маромда ишлаши туфайли шаҳримиз кенгайиб, кўкка бўй чўзиб бормоқда. Бунёд этилаётган янги микрорайонлар, ўзига хос формада тикланаётган маъмурий ва социал маиший бинолар Тошкентнинг кўркига-кўрк қўшмоқда. Бунга Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 6-автокорхонаси коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Корхона коллективи якунловчи йил учун зиммасига оширилган мажбурият қабул қилиб бир маромда ишламоқда. У шаҳардаги деярли барча массивларнинг бунёд этилишига ҳисса қўшяпти. Корхона коллективи шу йилнинг ўн ... процентга бо... ган давр... ... бекор... ...ёнилғини... XXVII съез... кунлик ... социалистик ... ҳайдовчилар... олинган ... муваффақи...

СУРАТДА: ... нистик ... мига эга бўл... ков, В. Сав... Исмоилов, А. ... нов, А. Сайд...

МУСОБАҚА ТАЪСИРЧАН ВА ҚАМРОВЛИ БЎЛСИН

• Планларни барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича амалга оширайлик • Шартнома мажбуриятларини бажармаслик план ва давлат интизомини жиддий бузиш деб баҳолансин.

БУЮРТМАЛАР МАРОМИ БУЗИЛМАСИН

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Мусобақадош районлар саноат корхоналарининг коллективлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича январь-октябрь ойлари планини муваффақиятли уддалашди. Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича ўн ойлик топшириқни Октябрь район 2,3 процент, Чилонзор район 1,6 процентга ошириб бажарди. Бу Октябрь район индустриясига планга қўшимча 4.645 минг сўмлик, Чилонзор район индустриясига эса 1.501 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш имконини берди.

Октябрь районида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми планга нисбатан 102,0 Чилонзор районида эса 101,2 процентни ташкил этди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда Октябрь районида 3,9 процентга, Чилонзор районида эса 5,8 процентга кўпайди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани Октябрь районида 101,6, Чилонзор районида эса 101,9 процент адо этилди. Октябрь районида кейинги йилда меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати 3,7 процент, Чилонзор районида эса 3,5 процентга ошди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига товар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш Октябрь районида 94,9, Чилонзор районида эса 62,1 процентга тенг бўлди. Фақат кейинги йилнинг ўзида Октябрь районида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7.929 минг сўмликка, Чилонзор районида 5.423 минг сўмликка кўпайтирилди.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси (Октябрь райони), «Ташгазэнергоремонт», «Узбитпластик» ишлаб чиқариш бирлашмаси тажриба заводида (Чилонзор райони) ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кейинги йилда 8—10 процентдан зиёдга кўпайди.

Районда меҳнат унумдорлигини планга нисбатан ошириш ва маҳсулот таннархини планга нисбатан 0,5 процентга камайтириш бўйича зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалаётган корхоналар оз эмас. Уларнинг қаторида «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш, «Ташкентпиво», «Средазэнергосветмет» бирлашмалари (Октябрь райони), «Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба заводлари, «Ташгазэнергоремонт» (Чилонзор райони) ва бошқа корхоналар бор. Бироқ ҳамма корхоналар ҳам мажбуриятларини асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддалашди, деб бўлмайди. Жумладан, Октябрь районидаги 4-темир-бетон буюмлари заводи меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажара олмади. Шу корхона коллективи дастлабки меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процентга ўстириш бўйича мажбуриятини ҳам бажара олмади.

4-темир-бетон буюмлари заводи, мебель саноатининг тажриба техника заводи, кун-галантерея ва спорт товарлари комбинати, уйга иш берувчи фабрика (Октябрь райони). «Промсвязь» заводи, 2-пойафзал фабрикаси, «Главташкентстрой»нинг автомобиль ремонти заводи (Чилонзор райони) маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процентга камайтириш бўйича олган ўн ойлик социалистик мажбуриятини бажара олмади.

Айрим корхоналар шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда тўла ҳажмда маҳсулот реализация қилиш планини бажармаганликлари учун буюртмачилар олдида қарздор бўлиб қолишди. Уларнинг қаторида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўн-мўйна заводи, кўн-галантерея ва спорт буюмлари комбинати (Октябрь райони), 2-пойафзал фабрикаси, «Промсвязь» заводи, «Промстрой» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси, трикотаж моделлари уйи (Чилонзор райони) бор.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси, 10-босмахона, «Электробитприбори» заводи маҳсулот таннархини бир мунча қимматлашишига йўл қўйди.

Кўн-мўйна заводи, театр жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати, бадиий буюмлар фабрикаси (Октябрь райони), «Электробитприбори» заводи, трикотаж моделлари уйи, «Промстрой» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси, Ўзбекистон карлар жамиятининг 2-саноат ишлаб чиқариш бошқармаси (Чилонзор райони) кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик топшириқни уддалай олмади.



• СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

БОШ ВАЗИФА УДДАЛАНМОҚДА

«Маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ аъло сифатта топширишга, буюмларга сарфланадиган меҳнат ҳажмини камайтиришга, хом ашё ва энергетика ресурсларини тежашга эришамиз»

(Б. Отаматов бригадасининг социалистик мажбуриятидан).

Маҳсулот сифатини яхшилашни биз ўз социалистик мажбуриятимизда биринчи банд билан ёзганимизнинг сабаби, давр талабидир. Партия ва ҳукуматимиз кўп ва хилма-хил буюмлар ишлаб чиқариш билан бирга маҳсулотнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Сифатли маҳсулот харидорлар томонидан иштиёқ билан сотиб олинади. Чидамлилиги ва пишиқлиги билан фойдаланувчиларни хушнуд қилади. Бу нарса СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларининг лойиҳасида ҳам алоҳида таъкидланган. «Маҳсулот сифатига холисона баҳо берилишини таъминлаш учун саноат маҳсулотини аттестациялаш даражаси оширилсин. Истиқболли фан-техника ютуқлари асосида технологияларни тубдан ўзгартириш, машиналар, узеллар ва деталларнинг тармоқда ва тармоқлараро унификация қилиниши чуқурлаштирилсин», дейилади унда.

Корхонамизда ишлаб чиқаришни интенсивлаш билан бирга, резервларни топиш ва жорий қилиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида каноп ўриш комбайнларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Эришилаётган муваффақиятларда бригадамизнинг ҳам муносиб улуши борлигидан фахрланамиз. Коллективимизда ўн бир кишн меҳнат қилади. Энг кексаси 60, энг ёши эса 17 ёшда. Лекин уларнинг маҳоратига тенгсизлик белгисини қўйиб бўлмайди. Чунки ҳар бир кишн ишни пухта ва сифатли бажарилиши учун масъулдир. Албатта тажрибали ишчиларнинг кўмаги ёшларга мадад бўлади. Бу жиҳатдан олганда Андрей Ефимович Полевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Ҳар бир коллективда бўлганидек бизнинг ҳам ўз илғорларимиз

Шу йилнинг январь-октябрь ойлари социалистик мусобақаси якунларини Чилонзор район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлимининг мудири А. УМАРОВ шарҳлайди:

— Экономика гуркираб ривожланаётган, ихтисослашиш ва кооперативлаштириш тамойилларини ҳозирги шароитда шартнома мажбуриятларини бажариш алоҳида аҳамият касб этади. «Бирлашмалар ва корхоналар ишининг пировард натижалари, маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш, ресурсларнинг ҳамма турларидан яхшироқ фойдаланиш учун иқтисодий масъулияти оширилсин».— СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида қайд этилган бу вазифа меҳнат коллективларини фақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш планинигина эмас, шартнома мажбуриятларини ҳам ўз вақтида бажариш, буюртмачиларга белгиланган пайтда, белгиланган миқдор ва турдаги маҳсулотларни етказиб бериш учун масъулиятини оширишни тақозо этади.

Ўн ойлик якунларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, мусобақадош районлар ўртасида Октябрь райони саноат корхоналарининг хўжалик ва иқтисодий кўрсаткичлари бирмунча яхши. Бу ерда қолоқ корхона йўқ. Барча корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми бўйича ўн ойлик планини муваффақиятли уддалашди. Чилонзор районидаги тўрт корхона эса реализация ҳажми бўйича қолоқлар сафига тушиб қолди. 2-пойафзал фабрикаси, «Промстрой» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси, трикотаж моделлари уйи ва «Промсвязь» заводи шартнома мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда реализация ҳажми бўйича ўн ойлик планни уддалай олмадилар.

Кейинги пайтда 2-пойафзал фабрикаси (директори Л. Читалин) ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича бирмунча тадбирларни амалга оширди. Шунга қарамасдан технологияга амал қилинмаслиги маҳсулот сифатидан сезилиб турибди.

Пойафзалчиларга шерик корхоналар ҳам панд беришмоқда. Асосий хом ашё таъминотчилари—Самарқанд ва Қўқон кўн заводлари кўп ҳолларда буюртмачига сифатсиз маҳсулот етказиб бермоқда. Худди шу нарса шартнома мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатди. Пойафзалчилар аввал савдо ташкилотлари билан шартнома тузганларида кўпгина кенг истеъмол буюмларини чет элдан келтирилган тагликлар ҳисобига тайёрлашни уқтиришган эди. Кейин эса иш билан план мувофиқлашмай қолди. Натижада пойафзалчилар ишлаб чиқариш жараёни давомида хом ашё ва артикулларни ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Бу ўз навбатида моделларнинг ҳам ўзгаришига, улар эса савдо ташкилотларининг эътирозига сабаб бўляпти. Шунингдек, аввал белгиланган моделдаги ва номенклатурадаги буюмларни тайёрлашни орқага сурмоқда. Қисқа қилиб айтганда, шартномада кўрсатилмаган маҳсулотлар тайёрлаш одат бўлиб қолмоқда.

Республика трикотаж уйи (директори Т. Маҳмудова) белгиланган ассортиментдаги 43 минг сўмлик буюмни етказиб бермади. Ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган корхона учун бу жуда катта рақамдир. Бунинг сабаби нимада? Трикотаж уйи мутахассислари томонидан тавсия этилаётган янги моделлар талабга жавоб бермаяпти. Демак, бу ерда маҳсулотни тайёрлаш ва бадиий безак бериш шу кун талабига мос эмас.

«Промстрой» тресги ўзининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармасини ноқулай аҳволга тушириб қўйди. Трестнинг бу бўлинмаси учун дастлабки берилган буюртма ҳажми (металл конструкциялари, арматура, бетон қоришмалари ва бошқа буюмлар) плани бажарилди. Лекин улар буюртмачининг эҳтиёжини қондирмади. Тўғрироғи эҳтиёж планлаштирилган даражадан кўп бўлиб чиқди. Бу ерда ишлаб чиқаришдагина эмас, планлаштиришда ҳам хатога йўл қўйилганлиги кўзга ташланади.

Кўриниб турибдики, ҳозирги шароитда корхоналарнинг таъминотчилар шерик корхоналар билан иқтисодий алоқалари кенг ва кўп қирралидир, бу ерда битта ҳалқанинг узилиши билан ишлаб чиқаришда жиддий нуқсонлар келиб чиқади, маҳсулот хили, етказиб бериш графиги бузилади.

Хўжалик шартномаси меҳнат самарадорлигини ошириш, корхоналарнинг бир маромда ишлашининг энг актив воситаларидан бири бўлиши керак. Шартномада кўрсатилган номенклатурада тайёрланган маҳсулотлар ўзининг ишлаб чиқариш ва эҳтиёж кўрсаткичлари бўйича ҳам талабга тўла жавоб бериши керак.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Объективда—Болгария



Болгариядаги «Росица» трикотаж фабрикасининг маҳсулотларини харидорлар кўплаб харид қилишади. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг асосий қисми Совет Иттифоқидаги савдо ташкилотларига жўнатилмоқда.

СУРАТДА: фабрика цехларидан бирида.

• Социализм мамлакатларида

КОРХОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ПРАГА. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш Чехословакия машинасозлиги илдам ривожланишининг негизи бўлиб қолди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида қардош мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик қилишда ЧССРнинг «ВАЗ» ва «КамАЗ» автомобиллари ишлаб чиқаришда қатнашаётганлиги бу ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан биридир.

Копршивнице шаҳридаги «Татра» автомобиль заводининг фаолияти социалистик иқтисодий интеграциялаш комплекс программасининг афзалликларидан яққол далолат беради. Бу корхонанинг тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган кучли юк машиналари СССР ва Болгарияда, Венгрия ва ГДРда, Польша ва Руминияда зўр муваффақият билан ишламоқда. Ҳозир «Т-815» машинаси Копршивницедаги улкан автомобиль корхонасининг базавий модели бўлиб хизмат қилмоқда. Бу самосвал совет автополигонларида ҳар томонлама синовдан ўтказилиб, юк сақ сифатли ва пишиқ-пухта эканлиги исботланди. Бу эса чехословакиялик мутахассисларнинг Минск «Белавтомаз» бирлашмасидаги ҳамкасблари билан мустаҳкам ҳамкорлиги натижасидир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида кооперациялаш ва ихтисослаштириш Чехословакия машинасозлиги учун жуда катта аҳамиятга моликдир. Шуни айтиш кифояки, ўтган ўн йил мобайнида республика халқ хўжалигининг етакчи тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошди.

«МАРТИМЕКС» ДОВРУҒИ

БРАТИСЛАВА. Словакиядаги «Мартимекс» ташқи савдо бирлашмасининг Совет Иттифоқидаги амалий алоқалари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясининг олий формаси бўлган ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш билан характерланади. Бирлашма Чехословакия—Совет иқтисодий ҳамкорлиги жўшқин ривожланиб бораётган доирада узоқ муддатли битим асосида ўзининг чет элдаги энг катта буюртмачиси бўлган СССРга юк ва кон қазишда ишлатиладиган снарядлар, гидравлик машина-ускуналар ва дизель двигателлари юбормоқда. Ана шу маҳсулотларни экспорт қилишнинг 85 проценти СССРнинг ҳиссасига тўғри келади.

«Мартимекс» тақдим этаётган замонавий юқори унумли машина ва ускуналар Совет Иттифоқида манзур бўлмоқда. Сибирь дарёчилари «Амур» сериясидаги юк кемаларига ва «Уфа» маркали кўп чўмичли земснарядларга юксак баҳо бермоқдалар. Минск автомобилсозлари қудратли «БелАЗ» юк машиналарига бузилмасдан ишлайдиган «ПА-4» дизелларини монтаж қилмоқдалар, ғилдиракли тракторлар ва тирговичлар ўрмон саноати хўжаликларининг содиқ ёрдамчилари бўлиб қолди. Чехословакия ташқи савдоси тарихида энг катта битим ҳисобланган Кировоград машинасозларига замонавий гидравлик ускуналар етказиб бериш тўғрисидаги битим бунинг яққол далилидир. Шу битим асосида Дубница-Вагдаги «оғир машинасозлик заводлари» бирлашмаси ҳозироқ СССРга 134 мингдан кўпроқ коаксиаль гидропривод юборди.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

СОФИЯ. Болгариянинг «Шипка қаҳрамонлари» паром кемаси экипажи муҳим интернационал ташаббус билан чиқди. Болгар денгизчилари Ильичевск билан Варна ўртасидаги «Дўстлик кўприги» орқали қатновга хизмат қилаётган ўз ҳамкасбларини КПСС XXVII съезди шарафига пландан ташқари 27 та зарбдор рейс ва БКП XIII съезди шарафига 13 та рейс ўтказишга даъват этдилар. Бу ташаббусни Варна портидаги бошқа коллективлар қўллаб-қувватладилар. СССРга мўлжалланган юкларни ортиш-туширишни таъминлаётган 14 та комплекс бригада ҳозирдаёқ йиллик топшириқлар бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди ва тиғиз графикка мувофиқ барча юк ортиш-туширишларини адо этиш мажбуриятини қабул қилди.

***

БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари ўтган кунлар мобайнида еттита жанговар операция ўтказдилар. Амалда Жанубий Ливаннинг оккупация қилинган ҳамма қисмини партизанлар ҳаракати қамраб олди, шу ҳаракат натижасида Исроил агрессорлари аскар ва техникасидан талафот кўрди. Ватанпарварлар исроилликлар ҳамда уларнинг «Жанубий Ливан армияси» деб аталмиш армиядаги гумашталарининг Бинт-Бажайл, Хасбаи районларидаги позицияларига айниқса муваффақиятли ҳужум қилдилар. Сур Ал-Хон аҳоли пункти яқинида босқинчиларнинг ва улар қўғирчоқларининг мустаҳкамланган пости батамом тор-мор этилди.

***

ТОКИО. Япония коммунистик партияси Токиода жанубдаги Мияке оролида Америка ҳарбий аэродроми қурилиши режаларига қарши расмий норозилик билдирди. Шу объектнинг барпо этилиши орол экономикасига зарар етказади ва унинг аҳолиси хавфсизлигини таҳлика остида қолдиради, дейлади, пойтахт префектурасининг губернаторига йўлланган баёнотда. Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавоблар Микке аҳолисининг 70 процентдан кўпроғи Америка ҳарбий базаси қурилишига қарши чиқаётганлигини кўрсатмоқда.

***

МАПУТУ. Ироқ билан Мозамбик ирқчи ЖАР нинг Африка жанубидаги агрессив кирдикорларига чек қўйилишини, БМТ хавфсизлик кенгашининг 435-резолюциясига муваффиқ Намибияга мустақиллик берилишини талаб қилдилар. Томонлар Мозамбик-Ироқ ҳамкорлиги доимий комиссиясининг бу ерда бўлиб ўтган учинчи сессияси якунлари юзасидан қабул қилинган ахборотда Претория режимининг апартеид системасини тугатиш учун курашаётган Жанубий Африка халқига қарши репрессияларини қатъиян қоралади.

Ахборотда фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлигида ўзининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан ўзининг мустақил давлатини барпо этиш

ДАНИЯДА САЙЛОВ

КОПЕНГАГЕН. Комунал ва область ҳокимият органларига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки расмий натижалари бу ерда эълон қилинди.

Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, Дания социал демократик партияси умуман ўз позициясини сақлаб қолган ва ҳамон мамлакатдаги энг катта сиёсий куч бўлиб қолмоқда. Бу партияга 35,9 процент овоз берилган.

Социалистик халқ партияси бирмунча муваффақиятга эришди. Унинг номзодлари учун сайловчиларнинг 11,5 процентн

Адабиёт ва Санъат

● ТЕАТР САҲНАСИДА

● ШЕЪРИЯТ МУХЛИСЛАРИГА

● ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

● САНЪАТ ЯНГИЛИГИ

● КИТОБХОН МУЛОҲАЗАСИ

● *Пойтахтимиз театрларида*

«КУЁВ»

екистон ССР халқ
иси, Ҳамза номи-
республика Дав-
укофоти лауреа-
ид Аҳмад ижоди-
зар ташланса —
нинг ўзбек совет
хизматларидан
шундан иборатки
тили ва айниқса
ий ҳикояларида-
луби жуда равон,
иси эса ҳамиша
мизга тушунар-
адир.
жиҳатдан ёзув-
г кўпгина асар-
серқирра ҳаёт-
чуқур психологик
арини, унинг но-
омонларини маҳо-
лан очиб беради.
за номидаги Ле-
оденли ўзбек Дав-
кадемик драма
коллективи
ан бошлаб Саид
нинг «Куёв» ко-
сини саҳналаш-
томошабинлар
тига ҳавола этди.
қса янги спек-
а чанқоқ санъат
слари бу янги
асарини қизиқиш
қарши олдилар.
қиқат, спек-
а мавжуд оила-
иддиятлар муҳим
масалаларни
терларга сингди-
восита бўлиб
т қилган.
ни алоҳида ай-
керакки, поста-
нинг ўзига хос
Саид Аҳмад ва
сёрлар Рустам
ов ва Бахтиёр
овларнинг хан-



дон отиб кулдирувчи юморга бой санъатларида яққол кўринади. Бу ерда қизиқ тафсилотлар умуман кўп комедиялардаги каби қаҳрамонларнинг дили ва тили ўртасидаги зиддиятлардан эмас, аксинча уларнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқади. Комедиянинг бош қаҳрамони Ғанивой (Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов) якка-ёлғизлик дардини ўн бир йилдан бери чекаётган бир кекса киши. Узоқ ёшликдаги муҳаббати унинг кўнглини қайтадан яралайди. Ёлғизлик жонидан ўтиб кетган пайтларда Ғанивой чордоққа чиқиб ёшликдаги фотосуратларни, эскириб кетган хатларни қайта-қайта ўқишни ўзига одат қилиб олади. Чордоқдан эса ўпкаси тўлиб, йиғлаб тушадиган бўлиб қолади. Натижада Ғанивойнинг уйланишига қаршилик кўрсатадиган моneликлар туғилади. Ана худди шу зарурият комедиянинг жанр хусусиятларига аниқ ва мос планда, яъни қарама-қарши зидди ятлардан яратиладиган персонажлар комизми энг аввало ҳаётий материалларнинг комедиябоплигида намоён бўлади. Чунки бош қаҳрамон ва келинликка номзодлар ҳаётда қандай кишилар эканликларига имконият туғилади. Унинг тонг отарда ҳовлига чиқиб кир ювиши шу жиҳатдан характерлидир. Бевосита аёл киши бажарадиган юмушни хотин йўқлигидан эркак киши бажариши шароит тақозоси албатта. Бироқ бу ишни Ғанивой сира ўхшата олмайди, бунинг устига анча ёшга бориб қолган кекса кишига шу иш муносибми?... Бу ерда кулги нишонга бориб тегишида саҳнанинг декоратив безаклари ҳам муҳим ўрин тутади.

Бунда рассом У. Сайдалиевнинг ижодий изланишдаги меҳнати яхши натижалар берган. Ғанивой кир ювиётган ҳовли атрофи баланд қаватли уйлардан иборат бўлиб, балкони эса ҳовлига қарама-қарши қараган. Ғанивойнинг фарзандлари одамлар кўзига энди қандай қарайди?

Шуларни ўйлаб унинг ўғли Қудрат (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Каримов), келини Рақима (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Юсупова), қизлари Нозима (Ўзбекистон ССР халқ артисти Рихси Иброҳимова) ва Баҳри (артистка Дилбар Исмоилова)нинг тинчи бузилади. Шунда бош қаҳрамонимиз мақсадига эришиш учун кўчагача кирни олиб чиқиб кетади. Натижада уларда оталарининг уйланишига хайрихоҳлик туғилади. Лекин унинг қизи Нозима туфайли ҳамма иш чигаллашиб кетади, чунки унинг назарида ўғай она ва бўлғуси фарзандлар ҳовлини эгаллаб оладигандек туюлади. Масала ҳаммамизга равшан. Яъни, бош қаҳрамоннинг тақдиридан хавотирланамиз. Сўнгра Нозима колхоз раисига отаси устидан шикоят қилади, яъни селекционер отасининг лимонларини хомталаш қилиш даражасигача боради. Айниқса актёрларнинг персонажлар психологиясини очишдаги маҳоратлари эътиборга лойиқдир. Дўстига садоқатли Жўра эса (Ўзбекистон ССР халқ артисти Ж. Тожиев) ичкиликка муккасидан кетган Махсум (артист Теша Мўминов) ва Эркин Комилов ижросида тадбиркор, мўмин, қобил йигит фотограф Эркин артист С. Мухторов талқинидаги ҳаётий образлари яхши чиққан. Мазкур саҳна асарини томоша қилар эканмиз янгича ахлоқ нормалари кишиларимиз онгига тобора чуқурроқ сингиб бораётган ҳозирги пайтда бундай воқеалар билан замондошларимиз кулиб хайрлашаётганлигини чин юракдан ҳис этамиз.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

СУРАТДА: «Куёв» комедиясидан саҳна.

● Фарзандларингиз учун

ТИНЧЛИК ҲАҚИДА УЧ ШЕЪР

Танлаб туриб ҳакамлар бир кун,
Болаларни саноғи йўқ бир
уйнинг
Пойгагига келтириб отса —
Атомларни ўйлаб топган
буржуйни.

Болаларнинг энг каттаси мен
бўлсам,
Пойлаб туриб битта тепсам
кетига.
Калласига туширардим —
бўлмайди,
Бўйим етмас. Энди кирдим
еттига...

***

Ҳалимахон туриб кетди,
Битта-битта.
Юмшоқ ерда юриб кетди,
Битта-битта.

Йўлидаги акажонин
Ўйинчоқ танк,
Тўпларини суриб кетди
Битта-битта.
Совуқ темир ариқчага
Ағанади.
Ёмғиру — дўл уриб кетди,
Битта-битта.

Бўёқлари қуриб кетди
Битта-битта.
Стволлари чириб кетди,
Битта-битта.

***

Самолётлар учади,
Вертолётлар учади.
Снарядлар учади
Инсон, сенинг қўлингдан.

Олтин бошоқ тутар ер,
Ҳаммангизга етар, дер.
Кетмон, ўроқ кутар ер
Инсон, сенинг қўлингдан...

Ўзи сени яратиб,
Дунё йиғлар қара, деб
Яғринларим яра, деб —
Инсон, сенинг қўлингдан...

Кўкда қуёш жилмайди,
Замин нега қулмайди,
Айт, нималар келмайди
Инсон, сенинг қўлингдан?..

Даври-даврон тинчлиги,
Ер-осмон тинчлиги,
Зебу-замон тинчлиги—
Инсон, сенинг қўлингда!

Муҳаммад ЮСУПОВ.

«УЗБЕКФИЛЬМ»ДА СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

«Тумандаги юлдуз»

Комил Ерматов номидаги «Узбекфильм» киностудиясида режиссёр Қамара Камолова «Тумандаги юлдуз» номли янги бадиий фильм устида ишлай бошлади. Фильм пойдевори бўлмиш сценарийни таниқли кинодраматург Виктория Токарева ёзган. Бўлажак картина марказида Азиза Усмонова образи туради. У ҳаётда олима ва жамоат арбоби сифатида кўп нарсаларга эришади. Азиза таниқли нейрофизиолог, халқаро симпозиумларда докладлар қилади. Лекин, шу билан бирга у оддий бир аёл, барча қатори яхши хотин ва она бўлишни истайди.

Картинада инсоннинг жамиятдаги ўрни, оиладаги муносабатлари каби бир қатор жиддий масалалар устида фикр юритилади.

А. Усмонова образини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка Елена Аминова талқин этмоқда. Бу санъаткор Одесса рус драматик театрининг етакчи актёрларидан. Қолган ролларни Ўлмас Алихўжаев, Улуғбек Комилов, Хўжадурди Норлиев, Дина Мусрепова ва Лелде Викмане каби актёрлар ижро этишмоқда.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



● *Санъатнинг сеҳрли олами*

ҲУЖУМКОР САТИРА

«Муштум» журнали редакциясида ушбу нашрнинг рассомлари активи иштирокида венгриялик карикатурачилар н и н г асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада асосан Венгриянинг «Лудош Мати» ва бошқа журналларда ишлайдиган рассомлари асарлари намойиш этилди.

Венгрия рассомлар Союзининг таклифига биноан Будапешт яқинидаги Ниредьхазе шаҳрида бўлиб ўтган карикатурачи рассомлар кўргазмасида иштирок этган тошкентлик рассом, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Фаррух Кагаров венгриялик мусаввирларнинг асарларини батафсил тушинтириб берди.

Ушбу анъанавий кўргазмада Венгриянинг турли шаҳар ва районларида яшаб ижод қилаётган 32 нафар рассомнинг 400 дан ортиқ асари намойиш қилинди. Кўргазма асарларининг мазмуни хилма-хил. Улар асосан шу кунги ижтимоий воқеаларнинг моҳиятига бағишланган.

Сатирик графика юксак ғоявий мазмуни, публицистик руҳи, шунингдек, штрих ва линияларнинг композиция мақсадини очиб беришдаги аҳамияти билан алоҳида диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан бу асарлар реалистик тематикаси билан алоҳида ажралиб туради. Уларда социализм мамлакатлари ижодкорларининг орзу кечинмалари, интилиш мақсадлари ўз аксини топган. Ушбу кўргазма ўз ижодий фаолиятини энди бошлаган ёш рассомлар учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛАРДА: кўргазма асарларидан намуналар.

Автор фотоси.



DIPLOMATISCHE AKTUALITÄ

● УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

ИНДИРА ГАНДИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ



Тошкентдаги Билимлар уйида ҳинд халқининг буюк қизи, Ҳиндистон Республикасининг Бош министри, ёвузлар ўқи билан ўлдирилган Индира Гандининг хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унга вафотидан кейин «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилди. Индира Ганди Совет Иттифоқининг катта дўсти сифатида Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Шаҳримизнинг қатор олий ўқув юртларида Ҳиндистон студентлари таълим олмоқдалар. Ҳинд олимлари диёримизда тез-тез меҳмон бўлишади. Мадья — Прадеш штатидаги Бхапал шаҳри рус тили институтининг директори Шакунтала Вайдья диёримизда меҳмон бўлди. Мухбиримиз билан бўлиб ўтган суҳбатда у институтнинг олиб бораётган ишлари, Гагарин номидаги клуб фаолияти ҳақида гапириб берди. У Ўзбекистон тўғрисида бир неча мақолалар ёзган.

Ҳиндистон кинематографчиларининг обрўли делегацияси Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивалларининг ҳурматли меҳмонларн ва қатнашчилари бўлишган.

Ўзбекистонда бир неча марта меҳмон бўлган таниқли ҳинд публицисти С. П. Сингх бундай дейди: «Ўзбекистон — бу ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин гувоҳидир...»

Индира Ганди хотирасига бағишланган кечада Тошкентда таълим олаётган ҳинд студентлари ватандошлик жамиятн раиси Болвант Сингх, кинорежиссёр Б. Хўжаев, Совет-Ҳиндистон дўстлик жамиятн Ўзбекистон бўлими правленеси аъзоси С. Мирқосимов ҳинд халқининг оташин фарзанди ҳақида ҳаяжонлаб гапирдилар. Йиғилганларга Ҳиндистон ҳақида ҳужжатли фильм ва ҳинд студентлари иштирокида концерт қўйиб берилди.

СУРАТЛАРДА: хотира кечаси қатнашчилари.





● *Турмуш чорраҳаларида*

ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАНОТИ

«...Эҳтимол, дори-дармон эмас, врачнинг ширин сўзи, меҳрибончилиги соғлигимни тиклагандир.

Эсимда, бир вақтлар район касалхонасида ётганимда даволовчи врачим, «Бу қанақаси? Қон томирингизда ҳам, ошқозонингизда ҳам касаллик бор. Қон босимингиз ва юрак уришингиз чатоқ», деди.

Врач палатадан чиқар-чиқмасданоқ қон босимим 170 га чиқиб кетди. Қани энди тушира олишса!

Тошкент медицина институти клиникасида ётганимда эса, бунинг аксини кўрдим. Даволовчи врачим ҳамиша хушмуомала, кўнгилдаги умидни алангалатувчи сўзларни аямайди. У ширинсуханлик, зукколиги билан ҳам беморларни даволайди...»

Бу хат бўлимимизда ётиб, шифо топган пахтакордан келган. Уни ўқиб ўтириб, ўша воқеани эслаб кетдим.

Уч-тўрт ҳамкасаба тушликдан кейин суҳбатлашиб ўтирган эдик, бирдан коридорда ғала-ғовур кўтарилди. Ҳамширанинг:

— Халатсиз қаёққа бораяпсиз? — деганн эшитилди.

Кимдир унга жавобан дўриллаган овозда:

— Э, ҳозир, — деди жирканиб.

— Менга қаранг, қанақа одамсиз ўзи. Ҳозир беморлар дам олаётган пайт. Мумкин эмас кириш, — ҳамширанинг баттар фиғони чиқди.

— Кира ҳақимни олгани қўясанми-йўқми?

— Қанақа кира ҳақи? Кимдан?

— Ану, саккизинчи палатадаги чўлоқ қиздан. Шу чоқ ҳамшира чиндан ҳам беморларни даволайдиган, ҳаётни ўйлаб, пастқамликда қоладиган.

Муаллиф машҳур шоирлар И. А. Крилов ва С. Маршак ижодидан қилган бир нечта янги таржималарини ҳам тўпламга киритганлиги китобнинг савиясини янада оширган.

Маълумки, ўзбек адабиётида масалчиликни ривожлантиришнинг жуда кенг уфқлари бор. Шуни кўра истардикки, «Қирқ масал» «юз масал»га, «юз масал»— «минг масал»га айлансин. Маъноси асалдек хуштаъм ва шифобахш масалларнинг кўпайганига нима етсин!

Ойсулув БОБОЕВА,
Тошкентдаги 138-мактабнинг ўқитувчиси.

қирди ва шофёрнинг гапи эшитилмай қолди. Биз чиқсак, ингичка мўйлов қўйган «жентельмен» саккизинчи палата эшиги кесакисига суянганча кўлидаги калитни ўйнар, мийиғида ҳақоратомуз куларди. Ниҳоят, у тилга кириб:

— Қани, ойимқиз, беш манатни чўзиб қўйинг! — деди.

«Чўлоқ қиз» қизарди, нажот истагандек атрофига жавдираб қаради.

— Бўл! Бўл!..

Қиз ёстиғи остидан уч сўмлик олди-да, шофёрга узатди. Шофёр энди товушини баландлатиб:

— Ахир кеча мен сенга нима деган эдим? — деганди, қиз қимтиниб:

— Ҳали уйдагилар келишгани йўқ, ака. Ойим келсалар, албатта беш сўмингизни олиб бераман, — қиз шундай деб йиғлаб юборди. Шу чоқ ҳамшира ёнидан беш сўм чиқарди-да, шофёрга узатди.

— Беш сўм учун шунча тўполон қиласизми? — деди у ранжигандек. Шофёр эса яна мийиғида кулди, ҳамширанинг қўлидан пулни олар экан, кўз сузиб унга тикилди ва «жонидан» деб қўйди...

Маълум бўлишича, бир кун олдин эрталаб «чўлоқ қиз» Намангандан Тошкент вокзалига келиб тушган. У яқинда бир тасодиф туфайли оёгини синдириб олган экан. Шунинг учун, тезроқ даволаниш мақсадида ТошМИга отланган. Келатуриб поездда пулини йўқотган. Чўнтагида атиги уч сўм пул қолган экан...

У вокзалга келиб тушгач, таксига ўтирган. Гарчи ТошМИгача счётчик уч сўм ёзган бўлса ҳам, учар шофёр «Беш сўм берасиз», деб туриб олган. Қиз уялиб ёстиғи остидан яна беш сўм чиқарди-да, шофёрга узатди.

— Беш сўм учун шунча тўполон қиласизми? — деди у ранжигандек. Шофёр эса яна мийиғида кулди, ҳамширанинг қўлидан пулни олар экан, кўз сузиб унга тикилди ва «жонидан» деб қўйди...

Маълум бўлишича, бир кун олдин эрталаб «чўлоқ қиз» Намангандан Тошкент вокзалига келиб тушган. У яқинда бир тасодиф туфайли оёгини синдириб олган экан. Шунинг учун, тезроқ даволаниш мақсадида ТошМИга отланган. Келатуриб поездда пулини йўқотган. Чўнтагида атиги уч сўм пул қолган экан...

У вокзалга келиб тушгач, таксига ўтирган. Гарчи ТошМИгача счётчик уч сўм ёзган бўлса ҳам, учар шофёр «Беш сўм берасиз», деб туриб олган. Қиз уялиб розилик билдирган. «Эртага ойим келса албатта олиб бераман» деган Хуллас, қизнинг ёнида уч сўмдан бўлак пул йўқлигига шофёр ишонч ҳосил қилган, қизнинг исм-фамилиясини билиб олиб, «майли эртага келиб олиб кетарман» деб кетган. У эртасига келиб «қабулхона»дан қизни қайси палатада ётганини билиб олган экан.

Ҳамширанинг қўлидан беш сўмни олиб кетган ўша шофёр йигит шу ҳамширадан кам маош олмайди. Энг қизиғи, уларнинг ҳар иккаласи ефтидан тенгқур ҳам эди. Ўша ҳодисага уларни нима мажбур этди экан? Ҳар қалай, иккаласи ҳам боғчада тарбияланган, мактабда бирдек таълим олган. Бири гулдек нозик, гулдек ардоқли. Бири эса бўридек очкўз...

Умуман, биз кўп ҳолларда ўз инсоний бурчимизни унутиб қўямиз. Нафс балосига дучор бўлиб, энг гўзал туйғуларни поймол этамиз.

Эзгуликнинг қаноти бор, деган гап бежиз эмас. Ушбу мақоланинг бош қисмида бир хатдан парча келтирган эдик. Бу хат ўша — шофёр «чўлоқ қиз» дея кўнглини оғритган бемордан келган. У шифо топиб, оёққа туриб кетди. «Мен ҳозир дугоналарим билан бирга бунёдкор студентлар отрядида, қурилишда ишлаяпман, — деб ёзади у. — Касалхонадаги ажойиб кишиларнинг яхшиликлари юрагим тубидан жой олган. Ўша арзимаган икки сўм учун мени беобрў қилган таксист ҳақида, ажойиб ҳамшира дугонамнинг қиммати ҳақида ўртоқларимга сўзлаб бераман. Шунда улар ҳамширани қанчалик яхши кўришса, шофёрдан шунчалик нафратланишади. Демак, ўртоқларимнинг орасида ўша шофёрга ўхшаган суллоҳлар, сурбет ва очкўзлар йўқ. Мен учун энг муҳими — шу!..»

Хатнинг ҳар сатрига оламча ҳаяжон йўғрилган. Бу ҳаяжон теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисалардан, муҳаббат ва нафратдан туғилган.

Қутбиддин НИЗОМОВ.

ОЛОВ ОНОЛОГИ

АТИН ФОЖИАСИ»
ТУРКУМИДАН)

ш парчаси,
ш меҳрман,
,
ш тасвири,
ман,
рман,
тман,
айман ёниб, ёндириб,
ларнинг бағрига
оқлик тарайман.
рин ҳисларимни ўзгага
бериб,
вужудлардан қадр
сўрайман,
одан бўйлайман
юлдуз шаклида
бўлиб, куламан,
лайман қўшиқ.

Оловман,
Танимга қудратим сиғмас,
Эркимдан ажралиб
Яшайман, аммо,
Қўрқаман,

Танимда сўнмас ҳавас,
Оловга айланиб қолмасин
дунё.

...Яхшилар,
Кўтаринг бошларингизни,
Улар ёнмадилар
Қолдилар уйғоқ.

Улар олқишлайди,
Асрайди сизни.
Улар сизлар ёққан
Аланга, чироқ...

Чечаклар уйғонар,
Кулгу лабида,
Мен бўлиб оқади
Жилғалар жўшиб.
Менман, япроқлардан
учган туйғулар.
Кўзларнинг шодлиги,
Дил севинчиман.
Менман, чеҳралардан
учган ёғдулар,
Тириклик бор жойда мен
суюнчиман.
...Дунё тақдирига
Тиргакман мен ҳам,
Менинг тақдиримда —
Дунё тақдири.

Лекин, қудратингга
Бандиман, Одам,
Прометей асир этгандан
бери.
Миллион йиллар аро
Сиғиндинг менга,
Елвординг шам бўлиб
Ёнганимда ҳам.
Оҳ, нечун кўнглимни
Очибман сенга,
Энди тан олмайсан
Мени-да бу дам.
Қалбингни осмонга
Сир тутинтирдим,
Кўзингга тор келди,
Ҳаттоки, ҳаёт,
Нечун толеимни
Ўзгага бердим,
Гуноҳсиз гуноҳга
Ботаман наҳот...



ЙЎЛАКДАГИ ЁЗУВЛАР

Қутлуғ қадам соҳибларн,
Руҳлар интиқ йўлингизга
Бошингизни эгиб келинг.
Ётганларнинг марддир
бари,
Шафқат тўла дилингизда
Яхшн гаплар тугиб келинг.
Шу майсалар, шу
чечаклар,
Ботирларга ҳамдард эди,
Ҳар бирини севиб келинг.

Айтишарди шўх
чўпчаклар,
Ширин тушлар
кўришарди.
Эртаклардан олиб
келинг.

Севишарди элни
жондай,
Жон беришди Ватан
учун.
Уларни мадҳ этиб
келинг.

Эркин НЕЪМАТОВ.

ирқин Неъматов Самар-
авлат университетининг
гия факультетини та-
ан. «Ошиқ булбул», «Та-
инбари», «Алангадаги
шеърий тўпламларининг
фн. Ўзбекистон радио-
шлайди.

● *Ижчам тақриз*

«ҚИРҚ МАСАЛ» — МАЪНОСИ АСАЛ

алнавис Мухтор
қулов ўзининг ма-
а ҳажвий шеърла-
қатор тўпламлари
ўқувчиларга ях-
ниш. Яқинда ис-
дли масалчи шоир
китобхонларга
ир ажойиб туҳфа
қилди. Ғафур
номидаги Адабиёт
санъат нашриёти
нинг сараланган
ларини «Қирқ ма-
номи билан чоп

ламда шоирнинг
ира масаллари жам-
н. Уларни ўқир
экансиз, ҳаётда баъзи одамлар феъл — атворида учраб турадиган иллатлардан куласиз, молпараст ва юлғичлардан, кўзбўямачи ва бюрократлардан, ялқов ва ғаламислардан куласиз. Муаллиф ҳажв тиғини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида қораланган салбий ҳолатларни фош этишга сафарбар этган. Бу ўринда унинг «Эски жавонлар» масали характерлидир. Шоир унда фан-техника тараққиётини чуқур англаб етмаган, «отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган» айрим амалпарастлар устидан ошкора кулади.

Масалнавис иллатлар устидан шунчаки кулибгина қўя қолмайди. Балки ана шу иллатнинг моҳиятини очади ва ундан қутилиш учун «жарроҳлик» қилишга даъват этади.

Бор шундай жавонлар кўп хоналарда,
Хоналардами, ё ишхоналарда!...

Масалнинг ана шу таҳлитдаги ўзига хос нуқтадонлик билан якунланиши ўқувчини мулоҳаза юритишга ундайди ва фаолият кўрсатиш йўлида дастуриламал сифатида хизмат қилади. Ҳажвчининг «Йўлбарс билан мош», «Қарғанинг даъвоси», «Баланд дор», «Фил билан пашша», «Санъаткор бедана» каби масаллари оригинал мавзуси, юмор ва сатира элементларига бойлиги билан китобхон шуурига маҳкам ўрнашади.

Истеъдодли ҳажвчи «Товушқоннинг тўйи» масалида турмушимизда ҳамон учраб қолаётган ном қозонish учун дабдабали тўйлар қилишга интилаётган айрим шахслар устидан ошкора кулади. Тўй эгаси товушқоннинг «тўқайда номдор» бўлай деб ўтказган тўйини «тантанали» маромда таърифлайди.

Бундай тўйларнинг ҳамиша охири «вой» бўлади. Масал қаҳрамони — Товушқон ҳам ном чиқарарга тўй қилиб, тўйга меҳмон бўлиб келган Бўри оғзида жон таслим қилади. Шоир хулоса қилади:

Кўрга ҳасса мисол
қиссадан ҳисса:
Беҳуда чиранма, бу
йўлингдан қайт.

Мабодо сени ҳам
тўйга етаксса —
Дуч келганни эмас,
дўстларингни айт!

«Лочин ва мусича» масалида синашта бўлмай, енгил-елпи ўйлов билан турмуш қуришга шошилган, сўнгра «оҳ-воҳ» ва афсус-надоматлар билан ажралишган енгилтак эр-хотинлар можароси қаламга олинган. Лочиннинг парвозига мусича ҳамқанот бўлолмай, иссиққина инини ташлаб кетолмайди. Натижада лочин кўк сари парвозини давом эттиради, мусича эса ҳузурижон ҳаётини ўйлаб, пастқамликда қолади.

Муаллиф машҳур шоирлар И. А. Крилов ва С. Маршак ижодидан қилган бир нечта янги таржималарини ҳам тўпламга киритганлиги китобнинг савиясини янада оширган.

Маълумки, ўзбек адабиётида масалчиликни ривожлантиришнинг жуда кенг уфқлари бор. Шуни кўра истардикки, «Қирқ масал» «юз масал»га, «юз масал»— «минг масал»га айлансин. Маъноси асалдек хуштаъм ва шифобахш масалларнинг кўпайганига нима етсин!

Ойсулув БОБОЕВА,
Тошкентдаги 138-мактабнинг ўқитувчиси.

Интенсивлаш режаси асосида

дорнинг район-
лган «Ўзбекис-
ги нави Зараф-
дийсидаги ихти-
рилган хўжалик-
далаларида мўл
тиштириш имко-
рди. Бу навдан
ошнига 600 цент-
мидор олинди.
а навлар ҳосили-
нган анча кўпдир.

истон сабзавот,
кинлари ва кар-
илмий тадқиқот
институти олимлари томонидан яратилган бу нав республикада сабзавотчиликни интенсивлаш режаларига мувофиқ жорий этилмоқда. Институтда ишлаб чиқилган бошқа янгиликлар ҳам қўлланилмоқда. Масалан, бир қанча хўжаликларда помидор ва бошқа полиз экинларини аниқ миқдорда экадиган сеялкалардан фойдаланилди. Бундай технология ўсимликларнинг ривожланишини тезлатди ва ҳосил 25-30 процент кўпайди.

Олимлар ҳосилни программалаш имконини берадиган маҳаллий ва минерал ўғитларни қўлланишнинг самарали системасини ҳам ишлаб чиқдилар. Сабзавот экинларини механизмлар ёрдамида етиштириш ва ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича тавсиялар тайёрланди ва жорий этилмоқда.

БЕМИННАТ ХИЗМАТНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Тошкентдаги ошхона мебели ва бошқа мебеллар заводи ишчиларининг рўзғор юмуши камайди, демак уларнинг бўш вақти кўпайди. Энди мебелчилар смена тугаганидан кейин магазин, бозор, маиший хизмат корхоналарига югуриб елмайдилар. Корхонада комплекс тарзда маиший хизмат кўрсатадиган шахобчалар очилди.

Корхонанинг ҳар бир меҳнаткаши цехнинг ўзидан завод территориясида жойлашган магазинларга телефон қилиб, масалиқлар, хом таомларга буюртма бериши ҳамда мураккаб рўзғор техникасини ремонт қилиш учун уйига устани чақириши мумкин.

Ана шу маиший хизмат шахобчаларини ташкил этишда кўпгина ишчиларнинг ўзларн ҳам қатнашдилар. Касаба союз комитетининг ташаббуси билан цехларда йиғилишлар ўтказилиб, маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи муҳокама қилинди. Ўнлаб таклиф тушди. Уларнинг энг муҳими танлаб олиниб, корхонани социал-иқтисодий ривожлантириш планига киритилди. Касаба союз комитети маъмурият билан биргаликда хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномалар тузибгина қолмай, улар учун бинолар ажратди, яхши хизмат учун рағбатлантириш системаси ишлаб чиқилди.

Касаба союз актив-лари ходимларнинг дам олишини уюштиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Заводга кираверишда корхона маблағи ҳисобига кафетерий қурилди. Кафетерий меҳмонлари учун шарбат, ширинлик ва бошқа маҳсулотлар бор.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

25 НОЯБРЬ. 1985 й.

● Диққат, янгилик!

ТАНИШИНГ, ЯНГИ «МОСКВИЧ»

Москвадаги Ленин комсомоли номли автозавод конвейеридан 1986 йилнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар томонлама оригинал бўлган «Москвич-2141» енгил автомашинаси чиқа бошлайди. Шундай қилиб, мамлакатимиздаги енгил автомашиналар оиласи яна бир янги классдаги «аъзо» билан бойийди. Қулайлиги ва шинамлиги жиҳатидан янги автомобиль кичик метражли «Лада» ва ўрта классли «Волга» автомашиналари оралиғида туради. Игарилари «Лада» билан «Москвич» ўртасидаги рақобат ҳақида гап кетганда, кўпроқ «Лада» хусусида фикр билдиришарди. Эндиликда вазият тамоман ўзгарди. «Москвич» бир поғона юқорироқ кўтарилди.

Янги моделнинг техник иқтисодий параметрлари жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб бера олади. Унинг конструкцияга мувофиқ тайёрланган мустаҳкам кузови аэродинамика нуқтаи назаридан энг мукаммал кузов ҳисобланади. Машина оғирлиги деярли ўзгармаган. Унинг саксон от кучига эга бўлган такомиллаштирилган двигатели машина ўқига нисбатан кўндаланг ҳолатда ўрнаштирилган бўлиб, олдинги ғилдиракларни ҳаракатга келтиради.

Двигатель беш поғонали узатиш қутиси орқали бошқарилади. Бешинчи узатиш энг юқори тезликни таъминлайдиган бўлиб, катта миқдордаги ёқилғини тежаш имконини беради. Бу янгилик бизнинг мамлакатда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналарда биринчи марта қўлланилмоқда. Орқа ғилдиракларни ҳаракатга келтирувчи ўқ ва шу ўқ жойлашадиган машина асосидаги тоннелга энди ҳожат қолмади. Жуда қўпол ва оғир бўлган ҳаракатлантирувчи қўприкдан ҳам воз кечилди. Қабариқ ишланган ён томондаги эшикларнинг ойналари улар қалинлигини бирмунча камайтиришга ва салон кенглигини 130 миллиметрга оширишга имкон берди.

Янги моделда пластмассадан тайёрланган деталлар аввалгисига қараганда икки ҳисса кўпроқ ишлатилади. Масалан бензин баки ҳам жуда пишиқ махсус пластмассадан ишланган.

Машинага техник хизмат кўрсатиш ҳам соддалашган. Унда бирорта ҳам мойлаш нуқтаси йўқ. Машина қулай бошқариш системасига эга бўлганлиги туфайли рулдаги шарнир ва трапециялардан воз кечилди. Энди аввалгидек бошқариш системасини созлаш учун машина остига тушиш шарт эмас. Бу ишни тўппа-тўғри копотни очиб ҳам бажараверши мумкин.

Олдинги моделда машина вентилятори двигателдан узатилган тасма ёрдамида айлантирилар эди. Энди у ўзининг электромотори га эга бўлиб, фақат двигатель температураси кўтарилгандагина автоматик тарзда ишга тушади.

«Москвич-2141» — асосий модель бўлиб ҳисобланади. Унинг асосида «Москвич»ларнинг жуда катта оиласи дунёга келади. Шу кунларда завод дизайнерлари микроавтобус ва фургонларнинг бир неча варианти устида иш олиб бормоқдалар.

КИМСАСИЗ СОҲИЛДАГИ ПОРТЛАТИШ

Кема омбори лой-тупроққа тўлгач, «Онежский» землесосида «машина тўхтатилсин» деган команда берилди. Лекин механизмларнинг тўхташига сабаб бўлган нарса бу эмасди. Вахтада турган матрос Ю. Кромм землесоснинг сўрадиган қурилмасида қўқ-кисдан катта калибрли тўп ўқини кўриб қолди.

Денгиз тўлқинланиб турарди. Ҳар бир дақиқада снаряд сувга думалаб тушиб, таги чуқурлаштирилаётган Никольский рейди тубига яна кетиши мумкин эди. Экипаж бирон секундни ҳам бой бермай, хатарли юкни панжарадан чиқариб кемага олди.

Орадан бир неча соат ўтгач, денгизнинг кимсасиз соҳилида бўғиқ портлаш товуши эшитилди. «Онежский» ўтган уруш давридан бери сув тагида ётган тўп ўқини энди топаётганн йўқ. Кема ўтган беш йиллнкда Польша Халқ Республикасидаги Гданьск портини реконструкция қилишда катнашганди. Бу ерда совет денгизчилари душманнинг ўнлаб снарядлари ва миналарини сув тагидан кўтариб олиб, зарарсизлантирган эдилар.

● ИНСОН ЯРАТГАН МЎЪЖИЗАЛАР

КАФОЛАТИ—УЧ ЮЗ ЙИЛ

Ҳозирда Ватанимиз пойтахти сиймосини усиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаган Останкино телеминораси бу йил 18 ёшга тўлади.

Телеминорани нинг баландлиги қарийб — 541 метр, вазни—55 минг тонна. Унинг ўнта оёғи ер қаърига 3,5 метргача киритилган, диаметри 60 метр, эни 2,5 метр, қалинлиги 4,5 метрлик бетон ҳалқага таянади. Бундай буюк иншоот учун пойдевор камтарона туюлади, шунга қарамай минора қулашга қарши олти баробар мустаҳкамлик запасига эга, 8 балл зилзила, 15 баллик тўфонли шамолга бардош бера олади.

Хўш, минорани нг мустаҳкамлиги ва бардошлилигининг сири нимада? Қувурсимон тана ичига мустаҳкам симдан тўқилган 150 та бақувват пўлат арқон тортилган. Улар танани пастдан ва юқоридан қудратли куч билан қисиб, бутун конструкциянинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

Миноранинг «болалик йиллари» қандай ўтди? Пойдеворнинг чўкиши бир неча сантиметрнигина ташкил этди ва сўнгги йилларда бутунлай тўхтади. Антенна чўққисининг тебраниш амплитудаси ҳаттоки тўфонли шамолларда ҳам 3—4 метрдан (мўлжалланиши 12,5 метргача) ошмади. Бетон қолатини кузатиб бораётган кўплаб датчик ва ўлчов асбоблари маълумотларига кўра иншоот ўзини ажойиб «ҳис қилмоқлигини» билиш мумкин. Демак, телеминора неча йил туриши мумкин? Бу саволга иншоот лойиҳаси муаллифи, Ленин мукофоти лауреати Н. Никитин қуйидагича жавоб берди: «Уч юз йилга кафолат берилган, ундан кейин яна кўрамиз...».

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

ДИНОЗАВРНИНГ ИЗИ

Бу ердан 150 миллион йил аввал ўтган динозаврларнинг изини табиат сақлаб қолибди. «Узбекнефтегазгеология» бирлашмасининг геологлари Ҳисор тоғининг жанубий-ғарбий этакларидаги кичик бир Хўжафил қишлоғи яқинида динозаврларнинг каттакон оёқ изларини топдилар.

Қишлоқ аҳолиси сирли изларни неча бор учратди, уни бугунги кундаги энг катта ҳайвонлардан филга дахлдор қилганлиги ажаб эмас.

Зарафшон тоғининг тошлоқ тоғ ён бағирларида ҳам динозаврларнинг излари учраган. Бу ерда 56 квадрат километр майдонда дунёда танҳо Китоб палеонтология — стратиграфия қўриқхонаси тузилган.

ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг директори, республика Фанлар академиясининг академиги И. Х. Ҳамробоева мурожаат этиб, шу хабарни шарҳлаб беришини сўради:

— Динозаврларнинг излари узоқ даврларда Ҳисор райони юмшоқ иқлимли ва серўсимлик дашт бўлганлигини тасдиқлайди. Бу ерда тоғ ҳосил бўлиши анча кейинроқ бошланган. Янги топилдиқ узоқ ўтмишни ўрганишда ёрдам беради.

В. ШУМАЙЛОВ.

● ЭРКАКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Ораста лик яхши фазилат

Одатда эркаклар юзларини унча парвариш қилишмайди. Лекин баъзи кишиларнинг териси қуруқ, юпқа ёки аксинча қалин, ёғли бўлади. Шунинг учун юзда ҳар хил (шўралаш, доғ босиш, ялтираш каби) аломатлар бўлади. Бу эса терини алоҳида парвариш қилишни талаб этади. Масалан, юзни ювгандан кейин баъзи кишилар териси қуруқшаб, қипиқланади, доғ тушади. Бундай пайтларда териси қуруқ кишилар «Атласний» («Янтарь») кремини; териси бир оз ёғли кишилар «Идеал» («Московский») кремини суртишлари лозим.

Соқолни ҳар куни олиш керак, чунки бундан юз массаж бўлади, натижада юзга ажин тушмайди. Устара ёки хавфсиз бритва билан олмоқчи бўлсангиз, аввал юзга соқол олиш учун чиқарилган махсус «Аромат», «Каро», «Руслан», «Флорена» кремларини ёки «Нева» совунини иссиқ сувда кўпиртириб суртиш керак. Бундан сўнг соқол олиш осон бўлади. Баъзи одамлар ёнатрофдаги тепаликларга чиқиб олиб ёки дарахтлар ва баланд иморатларнинг томида жон сақлаб қолдилар. Ҳаммаси бўлиб вулқон атрофидаги жойларда 25 минг одам нобуд бўлди.

Бу фожиа ҳақидаги хабар Колумбия аҳолисийи қон қақшатди. Лекин мамлакат тарихидаги бу энг аянчли фожиа халқни бирлаштирди. Ҳамма шаҳарларда табиий офатдан озор чеккан ватандошларга дори-дармон, чодир, кийим-кечак, озиқ-овқат йиғиш учун комитетлар тузилди, ҳалокат рўй берган районга бир неча соат ўтар-ўтмас юк ортилган вертолётлар учиб кела бошлади.

Колумбия халқи бошига тушган офатга гувоҳ бўлган кишининг ҳис-туйғусини ифодалашга қалам ожизлик қилади. «Лекин ана шундай қайғули дамларда одамларнинг одамларга яхшилик қилиши ва ёрдамга келиш каби ажойиб фазилатлари намоён бўлди. Мамлакат президенти Белисарио Бетанкур яқинда ана шу ҳақда гапирди. У дунёдаги кўп мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамни алоҳида таъкидлаб ўтди. Президент Колумбия халқи тушкунликка тушгани йўқ, у ўз куч-қувватига ишонади, бу куч-қувват эса табиий офатнинг оғир оқибатларини тугатмоқ учун жуда-жуда зарурдир, — деб уқтирди.

ТАСС мухбирлари.

● ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ СИРЛАРИ

КУНДУЗИ УЧАДИГАН КЎРШАПАЛАК

Швециянинг Кальмар шаҳридаги радио устаҳонаси шипида ажойиб кўршапалак яшайди. Одатда кўршапалаклар кундузи ухлаб, тунда овга чиқса, бу жонивор аксини қиладн, яъни кундузи ов қилиб, тунда ухлаб дам олади.

Радиоустахона механикларн ташқи кўринишдан асло фарқ қилмайдиган бу ажойиб кўршапалакка Арнольд деган ном беришган. Ҳаммага маълумки, кўршапалаклар уча туриб майда ҳашаротларни тутиб ейди. Арнольдга учувчан майда ҳашаротлар ёқмайди шекилли, у майдаланган жигар, пишлоқ, тортин ҳуш кўрадн.

ДЕНГИЗ БАЛИҒИНИНГ ХОСИЯТИ

Америкалик кардиолог ва днентологларнинг фикрича, юрак хасталиги, қон томирн касал кишилар кўпн билан ҳар икки-уч кунда бир маҳал денгиз балиғини истеъмол қилиб турсалар, улар 50 процент кам инфаркт бўлишар экан.

Балиқ маҳсулотларидаги бундай хосиятнинг сири ҳали тўлиқ очилмаган. Аммо балиқ маҳсулотининг қонга, қон томирларга, шуннигдек мия фаолиятини, кўриш қобилиятини яхшилай оладиган шифобахш неъмат эканлиги ҳаммага маълум.

С. ҒАФУРОВ.

МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИК ТИКЛАНАДИ

Республика «Меъмор» бирлашмаси Термиз илмий-реставрация ишлаб чиқариш участкасининг ходимлари ўрта асрнинг қизиқарли меъморий ёдгорликларидан бири — Султон Саодат ансамблининг асл жамолини очишга қарор қилдилар. Улар XI—XVIII асрлар мобайнида барпо этилган иморатларни тиклашга киришдилар.

Ансамбль деворларини тиклашда қадимги усталар ишлатганига ўхшаш алоҳида ғишт керак бўлади. Термиз чеккасида қурилаётган янги завод шундай ғишт пишираднган бўлади. Ўзбекистоннинг жанубидаги бошқа кўҳна ёдгорликларни тиклашда ҳам шу ғиштдан фойдаланилади.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ.

● Тафсилотларни маълум қиламиз

АНДДАГИ ФОЖИА

Марказий Кордильеранинг тоғ воҳасида жойлашган Армео (Колумбия) шаҳри аҳолисининг ороми ярим кечада бузилди: 13 ноябрь, чоршанба куни тун ярмидан оққанинг ери кўкни ғалаён бир ғовур босиб кетди. Одамлар тасаррутсуз ёмғир ёғаяптими, деб ўйлашган эди. Лекин уй томларига майда-майда тошлар ёмғирдек ёғилиб тушаётган экан. Одамлар фалокат босиб келаётганини сезгандай, юраклари увушиб уйларидан югуриб чиқишди. На кўз билан кўришсинки, Армео шаҳридан 50 чақирим наридаги вулқон кратери тепасида тўқ қизил шафақ кўзни қамаштириб турар эди. Ваҳимага тушган ёшу қари шаҳардан бошини олиб чиқиб кета бошлади. Лекин жон сақлашга имкон йўқ эди. Сел оқими йўлида учраган ҳамма нарсани остин-устин қилиб, Армео шаҳрига бостириб келарди.

Тош, сув ва балчиққа аралашиб кетган қайноқ вулқон кули дарахтларни, электр линияларининг устунларини ва телеграф симёғочларни қўпориб, қулатиб кетаверарди. Шаҳар кўчаларига бостириб кирган сел ҳаш-паш дегунча Армеони босди. Минг-минглаб одамлар тош ва балчиқ остида қолиб кетди. Вулқон атрофидаги районларда жойлашган бошқа аҳоли яшайдиган пунктларда ҳам ўша даҳшатли тунда худди шундай фожиа рўй берди. Кейин маълум бўлишича, вулқон кратери атрофида ҳароратнинг кескин кўтарилиши Руис чўққисидаги қор-муз «қалпоғи»нинг эриб кетишига сабабчи бўлган. Гуали, Чинчина ва Лагунилья каби кичик дарёлардан водийларга қайноқ сув оқиб водийни боса бошлади. Бу дарёлар тошлар, кул, лой, дов-дарахтларнинг шох-шаббасини ҳам оқизиб келди.

Армео шаҳри, Марикита ва Лнбано посёлкаларига табиий офат катта талафот етказди. Оқибатда бу шаҳарлар ер юзидан йўқ бўлиб кетди, ҳисоб. Энди ана шу шаҳарчалар ўрнида кулранг балчиқ уюмлари-тепаликлари пайдо бўлиб, дарахтларнинг учию, баланд иморатларнинг томи кўринниб турибди, холос.

Кўм-кўк Армео шаҳарчаси саҳро каби ҳувиллаб қолди. Расмий маълумотларга қараганда, шаҳарчанинг 24 минг аҳолисидан 22 минг киши нобуд бўлди. Баъзи одамлар ёнатрофдаги тепаликларга чиқиб олиб ёки дарахтлар ва баланд иморатларнинг томида жон сақлаб қолдилар. Ҳаммаси бўлиб вулқон атрофидаги жойларда 25 минг одам нобуд бўлди.

Бу фожиа ҳақидаги хабар Колумбия аҳолисийи қон қақшатди. Лекин мамлакат тарихидаги бу энг аянчли фожиа халқни бирлаштирди. Ҳамма шаҳарларда табиий офатдан озор чеккан ватандошларга дори-дармон, чодир, кийим-кечак, озиқ-овқат йиғиш учун комитетлар тузилди, ҳалокат рўй берган районга бир неча соат ўтар-ўтмас юк ортилган вертолётлар учиб кела бошлади.

Колумбия халқи бошига тушган офатга гувоҳ бўлган кишининг ҳис-туйғусини ифодалашга қалам ожизлик қилади. «Лекин ана шундай қайғули дамларда одамларнинг одамларга яхшилик қилиши ва ёрдамга келиш каби ажойиб фазилатлари намоён бўлди. Мамлакат президенти Белисарио Бетанкур яқинда ана шу ҳақда гапирди. У дунёдаги кўп мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамни алоҳида таъкидлаб ўтди. Президент Колумбия халқи тушкунликка тушгани йўқ, у ўз куч-қувватига ишонади, бу куч-қувват эса табиий офатнинг оғир оқибатларини тугатмоқ учун жуда-жуда зарурдир, — деб уқтирди.

ТАСС мухбирлари.

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
25 НОЯБРЬ, 1985 й.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
20 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
«ЦИРКДА АРЧА»
КАТТА ЭРТАК
ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ
СИЗ АЖОЙИБ ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ: ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ҚАРОҚЧИЛАР, ЖЎДУГАР КАМПИР, САҲОВАТЛИ ЕШЛАР, СЕҲРЛИ АФСУНГАР БИЛАН УЧРАШАСИЗ.
Валентин Иванов раҳбарлигидаги ЎРГАТИЛГАН МАЙМУН (шимпанзе)лар аттракциони.
Томошалар:
21 декабрь — соат 13, 16, 19.30 да.
22 декабрь—соат 10,13,16,19.00 да.
23,24 декабрь—соат 13,16,19.30 да.
25,26,27 декабрь—соат 10,13,16,19.00 да.
28,29,30 декабрь—соат 9.30, 12.00, 17.00, 19.30 да.
31 декабрь—соат 9.30,12.00, 14.30,17.00 да.
1986 йил
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 январь соат 9.30, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.
Томошаларга коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.
Қишлоқ районларидан келган томошабинларга навбатсиз хизмат кўрсатилади.
Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача очиқ.
Томошабинлар учун циркда такси заказ қилиш столи ташкил этилган.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985—86 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
МИКРОЭЛЕКТРОН АППАРАТУРАЛАРНИ СОЗЛОВЧИ, МАХСУС УСКУНАЛАРНИ СОЗЛОВЧИ-МОНТАЖЧИ, ВАКУУМЛИ-ЧАНГЛАТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ТЕРМИК БИРИКМАЛАР ОПЕРАТОРИ, ХИМИК ВА ФОТОТЕХНИК ИШЛОВ БЕРИШ ОПЕРАТОРИ, ПРИБОРЧИ, ПРЕЗИЦИОН ТЕХНИКА ОПЕРАТОРИ, ЯРИМ ЎТКАЗГИЧ ПРИБОРЛАР ВА МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИҒУВЧИ, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ, СОН БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРИ.
ЎҚИШГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ. Уларга ҳар ойда 30 сўм стипендия тўланади. Ўқишни тугатганлардан сўнг касб эгаллаганлиги ҳақидаги диплом берилади.
САККИЗИНЧИ СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ. Уларга ўқишни тугатганлардан сўнг ўрта маълумот ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади.
Ўқиш даврида кунига уч маҳал овқат, иш кийими ва ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентн ўқувчиларга берилади.
ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.
БИЛИМ ЮРТИНИ «ИМТИҲЁЗЛИ» ДИПЛОМ БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИҲЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
Ўқишга киручилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.
Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Ф. Ҳўжаев кўчаси (49э, 67э-автобусларнинг «8-автопарк» бекати).

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ
вентиляция ва ҳавони кондицион монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар ларининг деталларини тайёрлаш слесарь тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН Қ
КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИ 17 ЯРИМ ЕШДАН 40 ЕШГАЧА БЎЛ ТИҲОНЛАРСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берил
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб
КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «ЎЗ ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЛАР.
Киручилар қуйидаги ҳужжатларни жойидан справка, соғлиги тўғрисидаги (3х4 см. ҳажмдаги фотосурат), меҳнат паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий тўғрисида гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.
Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент кўчаси, 19-уй, 3-қават, 25-хона.

«ТАШХЛЕБТОРГ»
НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Курсларга 8-10-синф ҳажмида маълумоти ёшгача бўлган тошкентлик қизлар қабул қилинади.
Ўқувчиларга ўқишнинг 1 ва 2— ойларида 3— ойида эса 56 сўм стипендия тўланади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Курс талабалари бир вақтнинг ўзида ишлаши ҳам мумкин.
3 ойлик ўқиш тугагандан сўнг ўқувчиларга диплом берилади ва улар «Ташхлебторг» ташкилотларида ишлайдилар.
Киручилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтаридан справка, охирги иш жойидан характеристикага ариза тошширадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри Ленинград 28-уй (3, 22, 23, 29-трамвайлар, 19, 68-автобус, Фрязев кўчаси» бекати). Телефонлар: 35-41-02, 35-41-41.
Телефон: 32-08-77 «Ташхлебторг»нинг кадрлар Ц-4, 24-уй, 37-нон магазини.

«МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» БУТУНИТТИФОҚ ГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ЎҚУВ-ТРЕНИРОВКА БАЗАСИ
(Волгоград кўчаси, 81-уй)
1985-86 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ПУЛЛИК ФИЗКУЛЬТУРА-СОҒЛОМЛАШ ГРУППАЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Бадиий гимнастика бўйича 6-8 ёш— 90 минутдан машғулот ўтказилади, соат 10 да бокс, оғир атлетика, умумий жисмоний тайёргарлик, енгил атлетика, ҳафтада уч марта ишдан ташқари вақтда ўтказилади. Бал рақслари мактабига 14 ёш ва ундан ошганлар қабул қилинади.
Абонементлар ҳар куни ойнинг 25 дан 30 гача ва душанбадан ташқари) соат 16 дан 19 гача МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН 77-83-53.

ТВ
ДҮШАНБА
25 НОЯБРЬ
● МТ I
17.10 «Монголия уфқлари». Киноочерк.
17.45 Монголия бадиий коллективларининг концерти.
18.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК—«Спартак» (Ленинград).
18.45 «Ишлар ва одамлар». Фантехника тараққиётида инсон факторининг роли ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Мўъжизага ишонмаган Савушкин». Катталар учун мультфильм премьераси.
19.45 Футбол шарҳи.
20.15 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. ТУРКМАНИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 «Театрда хизмат қилувчилар сулоласи». Бороздинлар —Музиллар — Рижовлар.
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 «Воронежские девчата» куйлайди.
● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кураш» Бадиий фильм («Монголкино»).
20.15 Халқ куйлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 «Жостов усталари».
21.30 «Время».
22.05 «Болалигимиздаги ўйинлар». Ҳужжатли фильм.
22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — МАСК. 2 ва 3-даврлар.
● ЎзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ўсмир ва қонун».
18.45 Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимов хотираси учун классик кураш бўйича анъанавий XI Бутуниттифоқ турнири.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Советский воин». Тележурнал (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги».
21.10 Р. Каримова чалади (орган).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Деҳқонларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.35 Экранда — классик адабиёт. «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский».
23.55 Кўрсатувлар программаси.
● ЎзТВ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Рус тили — мактабгача ёшдаги болалар учун». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш жараёнида луғат билан ишлаш усуллари ва методлари (рус.).
18.40 Жамиятшунослик. Фалсафанинг асосий вазифаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ритмик гимнастика.
20.05 «Анъаналар ва замонавийлик». Олмалиқликлар турмушида янги урф-одатлар ва маросимлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

СЕШАНБА
26 НОЯБРЬ
● МТ I
9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.10 Т. Рузавина ва С. Таюшев куйлайди.
10.45 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
11.45 «Авваламбор мен врачман». Телефильм премьераси.
12.15 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг замондошимиз». Телефильмлар.
16.20 А. С. Пушкин асарлари музикада.
17.00 «Объектив».
17.45 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Партия ташкилоти ва партия адабиёти».
18.25 Ҳужжатли фильм.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаларини муҳокама қиламиз». КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров сўзи.
19.50 Халқ куйлари.
20.05 «Сиз яратган боғ».
20.30 А. Аданнинг «Жизель» балети.
21.30 «Время».
22.05 «Жизель» балетининг давоми.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Солдат шон-шуҳрати». Телефильм премьераси.
● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сибирь эксперименти». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 В. Вересаев. Асарлари саҳифаларида.
10.05 «Чегара — менинг қисматим». Илмий-оммабоп фильм.
10.35,13.40 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Тарих. Москвада декабрь қуролли қўзғолони.
11.35, 12.40 География. 6-синф. Австралиянинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.
12.05 Ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Совет ишчиси.
13.10 Тарих. 7-синф. Куликово жанги.
14.10 Тарих саҳифалари. «Бурчни ўташ». Россияда 1905 — 1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига.
14.55 «Бил ва уддала».
15.25 Драматургия ва театр. «Режиссёрлик санъати». 1-кўрсатув.
16.10 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Олдинга қараб кетдик». Бадиий фильм (ЮСФР).
● ЎзТВ I
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар».
8.00 «Пионер телетайпи».
8.10 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
8.30 «Ахборот».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница-85» (рус.).
18.45 «Халқ истеъмоли моллари га — юқори сифат».
19.05 «Деярли рўй-рост воқеа». Мультфильм.
19.15 «Хирмонингизга барака».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Миллионлар ленинча университети», «Ҳаётимиз программаси». КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини муҳокама қиламиз.
20.15 «Ҳаёт жозибаси». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон Композиторлар союзининг VI пленуми олдидан.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-серия. «Наташа Ростова».
23.35 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
● ЎзТВ II
9.00 — 16.15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 География. СССРнинг ўрмон хўжалиги.
19.20 «Участковой». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Адабиёт. Ҳ. Олимжон лирикаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари.
21.30 МТ II

Тошкент оқшоми
—орган Ташкентского обкома партии Узбекистана
(Газета бир йилда 312 марта чиқади)
БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД
Телефонлар: секретариат — 32-53-44; саноат партия турмуши — 32-53-66; шаҳар хўжалиги — 32-58-85; шаҳар хўжалиги, қурилиш ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, маданият ва ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; ўзлаштирувчилар— 32-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; ўзлаштирувчилар— 32-28-95; нашрнёт диспетчерн — 32-78-94.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети ва Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Р — 06159 А — 2271. Индекс 64091